

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАДҚИҚОТЧИЛИК КЎНИКМАЛАРИ

машғулотлар жараёнида таянч компетенциялар асосида шакллантирилади

Мактабда ўқитиладиган фанларни ўрганиш жараёнида дарсни яхши ўзлаштирган айрим ўқувчилар турли ҳаётий вазиятларда ўз билим ва кўникмаларини тўғри қўллай олмаслигига кўп гувоҳ бўлганмиз. Бунга сабаб ўқувчиларнинг олган билим, кўникма ва малакалари тегишли компетенциям айланмаганлигидир.

Куйида ўқувчиларда тадқиқот-чилик кўникмаларини шакллантиришда математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда улардан фойдаланиш компетенциясининг аҳамиятини таҳдил қиламиз.

Маълумки, бошланғич синф умумий ўрта таълимнинг дебо-часидир. Шунинг учун таълим муассасаларида бошланғич таълим сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир таълим муассасасида бошланғич синф ўқувчилари учун қизиқар-ли ўқув-методик адабиётлар, жумладан, электрон ресурслар захираси мавжуд.

Анъанавий услубларга нисба-тан машғулотларни мультимедиа материаллари орқали ташкил этиш самарали ҳисобланади. Бу-нинг натижасида ўқувчиларда фикрлаш қобилияти ривожлана-ди; бир вақтнинг ўзида ҳам кўриш, ҳам эшитиш мумкин; ўқувчилар кўпроқ билим олади; дарс самарадорлиги ошади; бошланғич синф ўқувчиларининг компьютер саводхонлиги шакл-ланади; дарсларда толиқиб қол-маслиги учун дидактик материал-ларни анимациялар орқали кўрсатиш; маълумотларни кичик-кичик лавҳаларга ажратган ҳолда қайта намойиш этиш имконияти ошади.

Ўқувчиларда математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда улардан фойдаланиш ком-петенцияси аниқ, маълумотларга асосланган ҳолда шахсий, оила-вий, касбий ва иқтисодий режа-ларини туза олиш ва шу асосда иш юритиш, кундалик фаолият-да турли формула, модел, чиз-ма, график ва диаграммаларни ўқий олиш ва фойдаланиш, шахс меҳнатини енгиллаштирадиган, қулай шарт-шароитга олиб ке-ладиган ва меҳнат унумдорли-гини оширадиган фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдалана олиш-ни назарда тутати.

Умумий ўрта таълимнинг турли босқичларида ўқувчиларнинг тадқиқот кўникмаларини тадқи-қотчилик фаолиятини ташкил этиш орқали босқичма-босқич ривожлантиришни кўрсатиб бе-риш муҳим.

Самарқанд вилояти Нарпай туманида “Энг изланувчи ўқитув-чилар” ижодий гуруҳи билан икки йил давомида ҳамфикрликда олиб борилган ишимиз натижа-си ўлароқ, ушбу гуруҳ аъзолари ўқувчиларнинг ижодий фаолият-ти, тадқиқотчилик қобилиятини шакллантириш бўйича машғулот-лар ўтказди. Машғулотлар жараёнида олинган ютуқларни таж-риба майдончалари орқали бош-қа таълим муассасаларга ҳам тарғиб қилдик. Бундан ташқари, тажриба майдончалари бор умумтаълим мактаблари услубий бирлашмалари томонидан “Лойиҳа-тадқиқот фаолияти — ўқувчилар тадқиқотчилик кўник-малари шаклланишининг пойде-вори” мавзусида иш олиб бо-рилмоқда. Ижодкорлик фаолияти жараёнида ўқувчиларнинг ёши ҳисобга олиниши лозим. Ўқув-чиларни тадқиқот фаолиятига тайёрлашда тадқиқот фаолиятига хос ўйин усуллари, образли ва дидактик ўйинлар, кизиқарли ва ижодий машқлар жараёнида уларнинг қизиқиш ва қобилият-лари ривожлантирилади.

Ўқувчиларнинг ҳамкорликда ишлаши уларда жамоавийлик руҳи, бир-бирига ёрдам бериш, меҳрибонлик ҳислатлари таркиб топишига ёрдам беради.

Ҳар бир инсон болалик дав-рида ўзига нотаниш бўлган нар-саларни ушлаб кўриб, ўйинчок,-ларини эса аввал бузиб кўриб нималигини билади. Булар бо-ларнинг илк тадқиқотчилик фаолияти. Тадқиқотчилик фаолияти босқичма-босқич амалга ошири-лиши, бунда ўқувчиларнинг ёш хусусияти ҳисобга олиниши, улар тадқиқотчилик маданиятининг барча компонентларига мақсад-ли йўналтирилиши лозим.

Ўқувчиларни тадқиқотчиликка йўналтириш жараёнини шартли равишда уч босқичга ажратдик: дастлабки (1—4-синфлар), асо-сий (5—7-синфлар) ва ўзини-ўзи намоён калиги (8-9-синф) бос-қичи.

1—4-синфларда тадқиқотчи-лик кўникмаларини шаклланти-ришнинг бошланғич ишлари олиб борилади. 1—4-синф ўқув-чиларида тадқиқотчилик эле-ментларини шакллантириш вази-фалари куйидагилардан иборат: ўқувчиларнинг тадқиқот фаолли-гини қўллаб-қувватлаш, саволлар бериш кўникмасини ривожлан-тириш, кузатувчанлигини оши-риш, тадқиқот фаолияти бўйича бошланғич таассуротларини шакллантириш. O'quvchilarning barchasi dars yoki darsdan tashqari jarayonlardagi faoliyatlarida,

o'qituvchi rahbarligida yoki mustaqil ravishda yosh izlanuvchi bo'lishlari mumkin.

Дастлабки босқичда ўқувчилар ўқитувчини эшитиши, педагог раҳбарлигида мавзудаги энг асосий сўз ва ибораларни ажратиб олиши, болалар энциклопедиялари билан ишлашни ўрганиши, қисқа ахборотлар билан фикрини баён этиши, “менинг фикримча”, “менинг ўйлашимча”, “мен... ҳисоблайман”, “мен шу фикрга кўшиламан” ибораларини ишлатишни ўрганиши, оддий табиат ҳодисалари ва табиатдаги ўзгаришларни кузатиши, ҳиссий билиш аъзолари (кўриш, эшитиш, фикрлаш) оркали тез-кор изланишлар ўтказиши, кўрилганларни эслаб қолиш қобилиятини ривожлантиришга эришмоғи лозим.

5—7-синфларда тадқиқотчилик фаолияти тадқиқот жараёнида бойиб боради. Бу жараён да таянч компетенцияларнинг барча жиҳатлари, элементлари секин-аста сингдириб борилади. Ўқувчиларга турли жисмларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳаракатларини аниқдаш топшириги берилади. Бунда изланиш олиб боришини, кузатувчанлигини аниқдаш, таққослаш усулларини ўрганиши бўйича ишлар олиб борилади. Булар ҳаммаси дарс жараёнида ўйин услублари, саёҳат-дарслар, эртақ-дарс материалларига таянган ҳолда ўтказилади.

8—9-синф ўқувчиларининг тадқиқотчилик кўникмалари куйидагилардан иборат:

- 1) тадқиқот фаолиятига оид таассуротларини кенгайтириш;
- 2) тадқиқот мазмунини англаш;
- 3) тадқиқот кўникмаларини шакллантириш;
- 4) теран фикрлаш;

5) ўқув-тадқиқот машғулотларининг мураккаблашаётгани ҳақида хулоса қилиш;

6) тадқиқот фаолиятини режалаштириш;

7) кузатувлар ўтказиш;

8) асбоб-ускуналар ёрдамида тадқиқотлар ўтказиш;

9) олинган маълумотларни қўлд этиш усуллари билан танишиш;

10) маълумотларни жадвал ва чизма кўринишида тизимлаш кўникмаларининг шаклланиши.

8-синфда ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаси индивидуал ютуқлар асосида бойитилди. Ўқувчиларнинг ўзи мустақил ўқув-тадқиқот олиб бориш кўникмасига эга бўлади: изланиш-тадқиқот фаолиятини ташкиллаштиришда ҳодисалар замирида табиий қонунларга асосланган боғланишлар мавжудлигини аниқлашга алоҳида урғу бериш, кузатув натижалари асосида хулосалар чиқариш, натижаларни чизма ва жадвалларда, тасвирларда кўрсата олиш, ўқитувчи раҳбарлигида илгари сурилган фаразларни текшириш учун тадқиқот-тажрибалар ўтказиш, назарий хулосалар чиқариш.

“Олдиндан айтиб бериш” лойиҳа тадқиқотчилик фаолиятида ўқувчиларга номаълум бўлган асар ўқиётганда тўхтаб, савол ташланади. Жумладан, “Кейин нима бўлади?” каби. Бу ўқувчинини ўз устида ишлаши, воқеалар ривожини тадқиқ қилишига асос бўлади.

9-синфда бу жараён анча мураккаблашади. Бунда интеграллашган фаолиятнинг таркибий қисмлари ҳақида кўпроқ билим-га

эга бўлиш талаб этилади.

Ўқувчиларни тадқиқотчиликка йўналтириш муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, унга боғлиқ бўлган объектив ва субъектив омилларни аниқдаш, ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга қдратилган кузатишларимиз натижасида куйидаги хулосаларга келдик:

1. Таълим жараёнида ўқувчининг ижодий фаолият кўрсатиш қобилияти, қизиқиши ва имкониятлари аниқ ҳисобга олинishi;

2. Фаолиятни ривожлантириш шакллари тўғри танланиши лозим.

Бу, ўз навбатида, ўқувчининг турли шароитларда юзага келувчи вазиятларни тўғри баҳолай олишини ва таълим жараёнида фаол, онгли иштирок этишини таъминлайди.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларнинг барчаси дарс ёки дарсдан ташқари жараёнлардаги фаолиятларида, ўқитувчи раҳбарлигида ёки мустақил равишда ёш изланувчи бўлишлари мумкин.

Бу борада барча усул ва услублар самарали бўлади, агар улар бевосита ўқувчилар учун ишлаб чиқилган бўлса, мактаб ҳаёти нафақат ўқувчилар учун, балки ўқитувчилар учун ҳам мазмунли, қизиқарли бўлади. Ўқитувчи учун энг муҳами, ўзининг барча ҳаракатларини икки-чикиригача ўйлаб кўриб, кейин ҳаётга татбиқ этиши, мақсадга мувофиқ.

Наргиза НАРЗИЕВА, Самарканд ветеринария медицинаси институти “Гуманитар фанлар, жисмоний маданият ва спорт” кафедраси мудири, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

